

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА САНОБАР БАХРИЛЛАЕВНА

**ИНСОНИ ХАРАКТЕРЛАШДА ЗООНИМ КОМПОНЕНТЛИ
ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДАГИ ЛИНГВОПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАР (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of Doctor of philosophy (PhD)
in philological sciences**

Абдуллаева Санобар Бахриллаевна

Инсонни характерлашда зооним компонентли фразеологик бирликлардаги
лингвопрагматик хусусиятлар (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида) 3

Абдуллаева Санобар Бахриллаевна

Лингвопрагматические особенности употребления фразеологизмов с
компонентом-зоонимом в характеристике человека (на материале
английского и узбекского языков) 27

Abdullaeva Sanobar Baxrillaevna

Linguopragmatic peculiarities of phraseological units with component-zoonim in
person characterization (on the material of the English and Uzbek languages)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА САНОБАР БАХРИЛЛАЕВНА

**ИНСОНИ ХАРАКТЕРЛАШДА ЗООНИМ КОМПОНЕНТЛИ
ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДАГИ ЛИНГВОПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАР (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil1129 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdchti.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Насруллаева Нафиса Зафаровна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бушуй Татьяна Анатольевна
филология фанлари доктори, профессор

Эргашева Гули Исмаиловна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «20» Сентябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43; факс (998966) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (61223 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93. Тел.: (99866) 233-78-43, факс: (99866) 210-00-18.

Диссертация автореферати 2022 йил «6» Сентябрь куни тарқатилди.
(2022 йил «6» Сентябрь даги №46 рақамли реестр баённомаси)



Н.М.Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Ғ.Қ.Мирсанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари доктори, доцент

Ш.С.Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Фразеологик бирликларни ўрганишга антропоцентрик ёндашиш, шахс, унинг хатти-ҳаракати, ташқи қиёфаси ва шахсий фазилатларини тавсифлаш мақсадида турғун иборалардаги миллий-маданий мазмунни тадқиқ этиш жаҳон тилшунослигининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Ҳозирги вақтда турли тизимли тилларда шахсни ташқи кўриниши ва ёши, ақл-идрок даражаси, ички фазилатлари, оиласи, меҳнат фаолияти, ижтимоий мавқеи, хулқ-атвори ва турмуш тарзи каби кўрсаткичлар бўйича тавсифловчи зооним компонентли фразеологик бирликларни ўрганишнинг долзарблиги яққол намоён бўлмоқда. Инсон ва унинг фаолиятини тасвирлаш учун халқ ижодиёти намуналарининг лингвомаданий ва баҳоловчи мазмунини аниқлаш, анималистик фразеологизмлар шаклланишига таъсир этувчи лингвистик (семантик-структур, функционал ва контекстуал) ва нолингвистик (миллий-маданий, тарихий ва ижтимоий) омилларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёнинг етакчи илмий мактаб ва марказларида когнитив тилшунослик, маданий тилшунослик, оламнинг лисоний манзараси ва қиёсий тилшунослик доирасида антропоцентрик лингвистик бирликларга оид кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу соҳада турли инсоний фазилатларни тасвирлашда қўлланадиган зооним компонентли фразеологик бирликлар семантикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тил инсон моҳиятини ақс эттирувчи олий миллий қадриятдир. Фразеология муайян халқ миллий маданиятининг энг бой хазинасидир. Ҳар бир тилда антропоцентрик хусусиятларни тавсифлаш учун қўлланадиган ўз қонуниятлари бор. Бу қонуниятлар муайян тил соҳибларининг турмуш тарзи, миллий менталитети, миллий стереотиплари ва маданиятига боғлиқ.

Ўзбекистонда Истиқлол йилларида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий моҳиятини ўрганиш тарихий ўтмиш сирларини ва аجدодларимиз донолигини очиб бериш, миллий ғурур ва бой оғзаки меросидан завқ олиш туйғуларини ҳис қилиш миллий маданиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги алоҳида ўрнини аниқлаш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қайд қилганидек, “Энг катта бойлик – ақл ва илм, энг катта мерос – яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – илмсизликдир. Дарҳақиқат, биз мусаффо фикр ва юксак умидлар билан пойдевор кураётган янги Уйғониш даври мамлакатимизда келажак авлодлар учун ана шундай улкан бойликларни яратиш, халқнинг муносиб турмушини таъминлаш, бебаҳо меросни шакллантиришга хизмат қилади. Ишончим комилки, биз халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳияти, қудрати ва олижаноб фазилатларига таяниб, улуғ мақсадларимизга албатта эришамиз”¹.

¹Выступление Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева на торжественном собрании, посвящённом Дню учителей и наставников 30 сентября 2020 года//Народное слово, 30.09.2020, №206.

Зооним компонентли инглиз ва ўзбек фразеологик бирликларини антропоцентризмнинг қиёсий аспектида ўрганиш алоҳида долзарблик ва аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 4947-сон, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари тараққиётининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги пайтларда жаҳон филологлари эътиборини тортаётган тил бирликларининг лингвомаданий ва прагматик хусусиятлари тилшуносликда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда жаҳон тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам изланишлар олиб борилди. Антропоцентрик образли иборалар тадқиқотчиларни ўтган асрдан бери ўзига жалб қилиб келмоқда. Масалан, Алдиабани Ареф Али Салах¹ инглиз ва рус тилларида шахсининг интеллектуал белгиларини акс эттирадиган, семантик мезон бўйича ўхшашликни аниқлайдиган турғун ибораларни таққослайди. Инглиз тадқиқотчилар Е. Милбурн ва Т. Уоррен² хайвон номлари билан боғлиқ фразеологик бирликларни таҳлил қилиб, уларнинг тўғри ва образли

¹Алдиабани Ареф Али Салах. Фразеологические единицы, выражающие интеллектуальные способности человека в английском и русском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2003. – 199 с.

² Milburn Evelyn, Warren Tessa. Idioms shows effects of meaning relatedness and dominance similar to those seen for ambiguous words//Psychonomic bulletin and review. –Springer, 2019. – P.591-598

маъноларини солиштирдилар. М.М.Ферзилаева¹ тадқиқотлари қизиқарли бўлиб, уларда тадқиқотчи инглиз ва лезгин тилларида шахсни сифат жиҳатдан тавсифловчи фразеологик бирликларнинг таркибий, грамматик ва семантик хусусиятларини ўрганган. Шахсни тавсифловчи рус ва немис зоонимик лексикасининг этник-маданий ўзига хослиги ҳақидаги масалалар О.В.Галимова² томонидан ўрганилган.

Зоонимлар, зоонимли компонентларнинг лингвистик узига хос хусусиятлари мамлакатимиз олимлари томонидан урганилган. Г.Э.Хакимова³ инглиз тилида зооним компонентли фразеологик бирликларнинг структур ва семантик хусусиятларини тадқиқ қилган. Н.Р.Нишонованинг⁴ тадқиқот иши ҳам ўзига диққат-эътиборни тортади, унда ўзбек тилида "хайвон" архисемали лексемалар ўрганилган. Х.А.Саидова⁵ ўзбек тилида инсонни тавсифлаш учун ишлатиладиган ҳайвон номларини таҳлил қилган. Б.Зарипов⁶ томонидан Алишер Навоий асарлари асосидаги бадий матнларда зоонимларнинг қўлланиши куриб чиқилган.

Тил тизимлари, сатҳлар ва бирликларни тадқиқ этишнинг лингвомаданий ва прагматик жиҳатлари Д.У.Ашурова, Т.А.Бушуй, А.Э.Маматов, Г.С.Насруллаева, Ш.С.Сафаров, Г.Х.Рахимов, ва бошқа маҳаллий тилшунос олимларнинг илмий ишларида қайд этилган.⁷ Ўзбек тилининг фразеологик ва паремиологик бирликлари Ш.Раҳматуллаев, М.Содиқова, М.Абдурахимов, Т.Мирзаев, А.Мусоқулов, Б.Саримсоқов, Х.Сувонқулова, К.Караматова ва Х.Караматов, М.Ярматова, Б.Йўлдошев, К.Бозорбоев каби таниқли тилшунослар томонидан ўрганилган, уларнинг кўпчилиги тегишли луғатларни тузганлар.⁸

¹Ферзилаева М.М. Фразеологические единицы качественной характеристики человека в лезгинском и английском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2010. – 173 с.

²Галимова О.М. Этнокультурная специфика зоонимической лексики, характеризующей человека (на материале русского и немецкого языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2004. – 309 с.

³Хакимова Г.Э. Зооним компонентли фразеологик бирликларнинг структуравий ва семантик хусусиятлари (инглиз тили материаллари асосида): Филол. фанлари номзоди.... дисс. – Тошкент, 2008. – 145 б.

⁴Нишонова Н.Р. Ўзбек тилида «хайвон» архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили: Филол. фанлари номзоди.... дисс. – Тошкент, 2000. – 120 б.

⁵ Саидова Х.А. Ўзбек тилида ҳайвон номларининг шахс тавсифи вазифасида қўлланиши: Филол. фанлари номз. ... дисс.: – Бухоро, 1995. – 173 б.

⁶Зарипов Б. Зоонимларнинг бадий санъат турларини ҳосил қилишдаги иштироки (Алишер Навоий асарлари асосида): Филол. фанлари номзоди.... дисс. – Тошкент, 2002. – 128 б.

⁷Ашурова Д.У. Развитие когнитивной лингвистики в Узбекистане// Хорижий филология. №3. – Самарканд, СамГИИЯ, 2016. – С.54-60; Бушуй Т.А. Проблема языка и нации в лингвокультурологическом аспекте // <https://cyberleninka.ru>; Маматов А.Э. Теоретические основы формирования фразеологизмов. – Ташкент, 1997. – 134с.; Насруллаева Г.С. Антропоцентризм метафорининг лисоний, когнитив ва лингвомаданий аспекти. Филол. фан. фалсафа докт. дисс. автореферати.– Фарғона, 2019.–48б; Сафаров Ш. Когнитивно-интерактивные функции метафоры// Мир духовной культуры человечества: язык, литература, искусство. – Самарканд, 2006. – С.82-85; Рахимов Г.Х. Инглиз тили Ўзбекистонда: социолингвистик ва прагматик кўрсаткичлар. – Т.: Tamaddun, 2017. – 205с.

⁸Содиқова М. Қисқача ўзбекча- русча мақол- маталлар луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1993.- 95б.; Абдурахимов М. Узбекско-русский словарь афоризмов. – Т.: Уқитувчи, 1976. – 216 с.; Мирзаев Т., Мусоқулов А., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. Т.: Шарқ, 2005. – 257б.; Караматова К.М., Караматов Х.С. Proverbs. Maqollar. Пословицы. – Т.: Mehnat, 2000. – 400с.; Ярматова М.А. Ўзбек тилида ишлатиладиган зоонимик мақоллар. Тошкент: Фан ва технология, 2012. – 92 б. Йўлдошев Б., Бозорбоев К. Фразеологический словарь узбекского языка-Тошкент, 1998. – 230 б.

Антропоцентрик фразеологизмларни ўрганишга бағишланган илмий ишлар мавжудлигига қарамай, шахс ҳақидаги зооним компонентли фразеологик бирликларнинг когнитив-прагматик ва этноспецифик мазмуни билан боғлиқ муаммолар етарлича ўрганилмасдан қолмоқда. Боз устига, шахсга берилган турли баҳоларнинг лингвопрагматик аспектда акс этишини ўрганиш ҳамда ушбу тадқиқотни қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тиллари материалида олиб бориш илк бор амалга оширилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммолари” илмий-тадқиқот режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади гетероген тиллар (инглиз ва ўзбек тиллари) материалида зооним компонентли фразеологизмларнинг антропоцентрик, прагматик ва лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш, қиёсланаётган тилларнинг фразеологик бирликлари ёрдамида шахсни тавсифлашдаги ўхшашлик ва фарқларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

шахснинг ташқи ва ички хусусиятларини тасвирлаш учун зооним компонентли инглиз ва ўзбек фразеологик бирликларини таснифлаш;

қиёсланаётган тиллардаги зооним компонентли антропоцентрик фразеологизмларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини очиб бериш;

ўрганилаётган лингвомаданиятлар дискурсида зооним компонентли мақол ва ибораларнинг қўлланишини тадқиқ этиш;

зооним компонентли фразеологизмларнинг лингвомаданий мазмунини очиб бериш ва бадиий адабиёт матнларида уларнинг қўлланишини кузатиш.

Тадқиқот объекти сифатида зооним компонентли инглиз ва ўзбек фразеологизмлари олинди.

Тадқиқот предметини зооним компонентли инглиз ва ўзбек фразеологизмларининг семантик, прагматик ва лингвокултурологик хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда когнитив-концептуал таҳлил, кросс-маданий таҳлил, қиёсий чоғиштира таҳлил, компонент таҳлил, контекстуал таҳлил, статистик таҳлил, тавсифловчи усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

одамнинг ташқи кўриниши, ёши, ижтимоий мавқеи, ақл-заковати ва шахсий хусусиятларини тавсифлаш учун уй ва ёввойи ҳайвонлар, қушлар, ҳашоратлар ва бошқа фауна номларидан ҳосил бўлган инглиз ва ўзбек фразеологик бирликларининг мавзуий таснифи ишлаб чиқилган;

инсоннинг ижобий ва салбий сифатларини тасвирлаш учун қиёсий таҳлил асосида грамматик конструкцияларда ва семантик баҳолаш аспектидаги ўхшашликлар ҳамда инглиз ва ўзбек тилларидаги зооним

компонентли фразеологизмларнинг лингвомаданий ва тарихий-этимологик мазмунидаги фарқлар очиб берилган;

ўрганилаётган лингвомаданиятлар дискурсида зооним компонентли мақол ва ибораларнинг лексикографик тавсифи ва контекстуал қўлланиши исботланган;

инсоннинг ички маънавий олами, ақл-заковати даражаси ва бир қатор шахсий фазилатларини тавсифловчи зооним компонентли фразеологик бирликларнинг лингвомаданий мазмуни очиб берилган ҳамда қиёсланаётган тиллар бадиий адабиёт матнларида уларнинг қўлланиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

инглиз ва ўзбек тиллари маданиятларидаги зоолексемали антропоцентрик фразеологик бирликлари тизимлаштирилган;

ўрганилаётган тилларда ҳайвон номларидан шаклланган фразеологизмларни прагматик мазмуни, лингвомаданий ва функционал-семантик хусусиятларига кўра таҳлил қилиш ва таснифлаш усуллари ишлаб чиқилган;

зооним компонентли инглиз ва ўзбек антропоцентрик фразеологик бирликларнинг қиёсий-чоғиштирма таҳлили амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган усулларнинг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, таҳлил қилинган материалнинг катта ҳажми ва ишончли манбалардан олинганлиги, ушбу соҳада илгари амалга оширилган тадқиқотларнинг назарий ҳолатларига таянганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг диссертация ишининг назарий жиҳатларига мувофиқлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти амалга оширилган таҳлил асосида олинган натижалардан фойдаланиш ва антропоцентрик фразеологик бирликлар бўйича тадқиқотларни бошқа тиллар материалида ҳам янада ривожлантириш учун истиқболлар очадиган хулосалар билан белгиланади. Назарий маълумотлар қиёсий типология, лексикология ва фразеология, лингвистик прагматика, стилистика, матн талқини манбаларини бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улар олий таълим тизимида “Лексикология”, “Фразеология асослари”, “Матн стилистикаси”, “Таржима назарияси”, “Социолингвистика”, “Когнитив тилшунослик”, “Прагмалингвистика” фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар тузишда, фразеология, лингвокултурология, этнолингвистика бўйича махсус курсларни ўқишда, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини ёзишда, икки ва кўп тилли луғатлар тузишда, ҳамда бўлажак мутахассисларнинг инглиз ва ўзбек тиллари бўйича назарий ва амалий билимларини бойитишга мақсадида хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида инсонни тавсифлаш учун зооним компонентли фразеологик бирликлардан фойдаланишнинг лингвопрагматик хусусиятлари асосида олиб борилган тадқиқотлар натижасида:

лингвомаданий ва ижтимоий-прагматик тадқиқотлар натижалари ўқитувчиларнинг қобилиятини ошириш учун Самарқанд чет тиллар институти бажарилган Европа Иттифоқи томонидан Эрасмус+561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-CBHE-SP-ERASMUS+CBHE IMEP дастурининг “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва ҳалқаролаштириш” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022йил 13 январ 78/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик соҳаларида билим даражасини оширишга эришилган;

зооним компонентли фразеологик бирликларни ўрганишга когнитив ёндашув ва диний, маданий, ижтимоий, географик, тарихий хусусиятларнинг қиёсланиши Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган И-204-4-5 "Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш" мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022йил 13 январ 80/30.02.01-сон маълумотномаси). Зооним компонентли фразеологик бирликларнинг бадий матнларда таҳлил қилиниши талабаларнинг хорижий тилни самарали ўрганишга хизмат қилган;

зоонимик фразеологик бирликларнинг дискурсга ишлатиш хулосалардан 2014-2016 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган Европа Иттифоқи томонидан Tempus Project 544161- TEMPUS-1-2013-1-UK-TEMPUS-JPCR Aston University DeTEL дастурининг Европа тилларини ўқитишни ривожлантириш: кўшма магистратура дастурларини ривожлантириш орқали тил ўқитишни такомиллаштириш” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022йил 13 январ 79/30.02.01-сон маълумотномаси). Диссертациядан олинган маълумот талабалар нутқининг ўсишига ва зооним компонентли фразеологик бирликларнинг типологиясини аниқлаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам берган;

лингвопрагматик хусусиятлари бўйича инсоннинг ташқи кўриниши ва ёши, ақлий қобилияти, шахсий хусусиятлари, оилавий ҳолати, меҳнат фаолияти, ижтимоий мақоми ва шунингдек, хулқи ва ҳаёт тарзини баҳоловчи инглиз ва ўзбек зооним компонентли фразеологик бирликлари таснифига оид илмий-назарий тавсиялар Самарқанд вилоят телерадиоканали орқали таълим тизимига, илмий-тадқиқот институтларига ва бадий адабиётга қизиқувчи кенг оммага тақдим этилди ва бу борада ижобий натижаларга эришилди (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 29 декабрдаги 91-сон маълумотномаси). Натижада Самарқанд радиоканалининг “Голос

Самаркандда” эшиттириши орқали аҳолига, асосан ўқувчи ёшларга, талабаларга, олимларга ва илмий изланувчиларга инглиз ва ўзбек тилларида инсоннинг ташқи ва ички параметрлари бўйича баҳоловчи зооним компонентли фразеологизмларни тарғиб қилиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 5та халқаро ва 4та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар кўринишида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг асосий матни 148 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий ишнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқлиги аниқланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқот усуллари кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги очиқ берилган, амалий натижалари келтирилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти белгиланган, диссертация ишининг апробацияси ақс этирилган. Натижалар, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Замонавий тилшуносликда зооним компонентли фразеологик бирликларнинг назарий талқини”** деб номланган биринчи бобида (3 бўлимдан иборат) инсон ҳақидаги фразеологизмларга, жумладан, турли лисоний маданиятлардаги ҳайвон номлари билан боғлиқ фразеологик бирликларга оид муаммоларни ўрганиш бўйича назарий қарашлар тақдим этилган. “Тил ўз соҳибларининг этник чегараларида нафақат мулоқот воситаси, балки халқнинг хотираси ва тарихи, маданияти, менталитети ва когнитив фаолият тажрибаси, дунёқараши ва психологиясидир, табиат ва космос ҳақида, касалликлар ва уларни даволаш усуллари ҳақида, этнос ва унинг ўзига хослигини сақлаш ва кўпайтириш манфаати йўлида одамларнинг янги авлодларини тарбиялаш ва ҳаётга тайёрлаш ҳақида илдиз отган билимлар тўпламидир. Шу асосда, тил маданиятнинг бир шакли бўлиб, у барча хилма-хиллик ва диалектик қарама-қаршилиқларда ҳаётнинг тарихан

пайдо бўлган миллий турини ўзида мужассам этади“¹. Ҳар хил тизимли тиллар фразеологиясини қиёсий ўрганиш антропоцентрик парадигманинг ўта муҳим жиҳати бўлиб кўринади, чунки айнан фразеология маданият, одатлар, маросимлар, лисоний онг мулкига айланиб, ахлоқ, атроф муҳитнинг ўзига хослиги ва бошқалар тўғрисидаги маълум бир халқнинг тасаввурларини акс эттирадиган халқ онгининг стереотиплари ҳақида энг қимматли маълумотлар манбаидир.

Инглиз ва ўзбек тилларининг антропоцентрик фразеологик бирликлари муайян умумий ва ўзига хос хусусиятларни намоён этади. Қиёсланаётган тиллардаги айнан бир хил тасаввурлар турли лексик ва зооним компонентлар воситасида ифодаланиши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги *almost never killed a fly* фразеологизми ўз маъносига кўра ўзбек тилидаги *мушугига ҳам нишан демайди* образли иборасига мос келади. Иккала фразеологик бирлик ҳам жонга тегадиган ҳашоратни ҳам ўлдиришга қодир бўлмаган тинчликни яхши кўрадиган, ювош, беозор, хушфёъл одамни назарда тутди. Инглиз тилидаги *old birds are not to be caught with chaff* мақолада алдаш қийин бўлган доно тажрибали одам тасвирланган. Ўзбек лингвомаданиятида “балиқ” зооними катта тажрибага эга одамни ҳам назарда тутди: *тўрға тушган балиқ қармоқдан кўрқмас*. Инглиз образли ибораларида “bird” компоненти, ўзбек фразеологик бирликларида “балиқ” компоненти бир хил белгиларни, айнан катта тажриба ва билимни назарда тутди. Ўзбекча *кўрмас – туяни ҳам кўрмас* мақоли ҳеч нарсани тушунишни истамайдиган ўжар одамларни тасвирлаш учун ишлатилади. Инглиз тилидаги *none so blind as those who will not see* (сўзма-сўз: кўришни истамаганлардан кўра кўрроқ одамлар йўқ; эшитмайдиган эмас, эшитишни истамайдиган одам қардир) мақоли маъно жиҳатдан юқоридаги ўзбек паремиясига тўғри келади. Ўзбекча вариантда “туя” ҳайвони қайд этилган, инглизча вариантда эса зооним компоненти йўқ.

Бошқа томондан, ҳар бир тилдаги фразеологик бирликларнинг бир хил зоолексик таркиби ҳам миллий ўзига хос образ яратиши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги *a little frog in a big pond* (атрофдаги одамларга қараганда нуфузи ва малакаси пастроқ катта ташкилотнинг ходими) ва ўзбекча *ботқоқнинг кенлиги қурбақага яхши* ибораси фаровонликни англатади. Яна бир инглиз фразеологик бирлиги *live like a fighting cock* (сўзма-сўз: урушқоқ хўроздек яшамок) дабдабали ҳаётни билдирса, ўзбекча *урушқоқ хўроз семирмас* мақолида яхшилик ва ёмонлик ҳақида сўз боради. Демак, таниқли даниялик тилшунос О.Есперсеннинг фразеологияни “деспотик тарзда инжиқ ва кўз илғамас нарса”² деб аташи тўғрилиги тасдиқланяпти.


Зооним фразеологизмнинг ўзак қисми бўлиб, асосий фикрни билдиради. Тадқиқотчиларнинг аксарияти зооним компонентли фразеологик бирликлар асосан инсоннинг салбий белгиларини намоён қилади, деб ҳисоблашади.

¹Тарланов З. К. Язык и культура. Учеб. пособие по спецкурсу. - Петрозаводск : ПГУ, 1984. - 104 с.

²Есперсен О. Философия грамматики, пер. с англ. - М., 1958, - 329 с.

З.Е.Фомина шундай таъкидлайди: “Инсон тирик табиатнинг маҳсули, тирик оламнинг ажралмас қисми бўлиб, у тирик оламда, ўзига ўхшаш оламда, фауна оламида ... параллелларни қидиради. Зоонимлар инсоннинг ўзига хос тажассуми, ахлоқий ва интеллектуал фазилатларининг рамзларига айланади, яъни “ҳақиқий маънодан ташқари, уларнинг ўзига хос, қўшимча, ноаниқ, унчалик маълум бўлмаган, биздан яширинган маънолари ҳам бор”¹.

Мазкур диссертацияда инглиз ва ўзбек тилларидаги зооним компонентли фразеологизмлар семантикасида қуйидаги антропоцентрик хусусиятлар аниқланган:



1-расм. Зооним-компонентли фразеологизмлар семантикасида аниқланган антропоцентрик хусусиятлар

“Зооним компонентли деярли барча фразеологизмлар одамга нисбатан қўлланади. Уларнинг аксарияти антропоцентриkdir, шунинг учун зооним компонентли фразеологизмларда шахснинг жисмоний, ташқи, ахлоқий, ҳиссий ва психологик хусусиятларига катта эътибор берилади. Фразеологик бирликларда *инсон-ҳайвон* метафорик кўчимига асосланган ассоциацияни кўриш мумкин. Фразеологизмлар ҳайвонлар ёрдамида одамлар дунёсини тасвирлаганда кўчма маънога эга бўлади”². Зооним таркибли фразеологик бирликлар ҳайвонларнинг хусусиятлари, одатлари ва хулқ-атвори ҳақидаги

¹ Фомина, З.Е. Слова с метафорической оценкой в эмотивном лексиконе французского и русского языков / З.Е. Фомина // Актуальные проблемы сопоставительного изучения германских, романских и славянских языков: Тез. докл. науч. конф. – Воронеж: Изд-во Воронеж, ун-та, 1998. – 243 с.

²Лапунова О.В., Свирид Л.А. Метафорические значения фразеологизмов с компонентом зоонимом во французском языке. elib.bsu.by/bitstream

қолиплашган тасаввурларнинг ёркин намунаси бўлиб, одамларни тавсифлаш учун улардан фойдаланиш имконини беради. Масалан,

итнинг увиллаши бекорчи гап, сафсата, валдирвайсани англатади: *it wovullagani bilan tog қуламас*;

хураётган ит жангари, уришқоқ одамни назарда тутаяди: *a barking dog seldom bites*– хурмаётган ит хавфли;


от тепкиси инсон кучини англатади: *ot тепкиси отга ўтмас, от тепкисини от кўтаради*;

сигирнинг асови ғазабланган одамни тасвирлайди: *curst cow has short horns* – худо сузонғич сигирга шох бермайди;

бўрининг баднафслиги, еб тўймасликни, мечкайликни, очофатликни тавсифлайди: *to eat like a wolf* – бўридай емоқ.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Зооним компонентли инглиз ва ўзбек фразеологик бирликларининг таснифи**” деб номланиб, унда инглиз ва ўзбек тилларидаги зооним компонентли антропоцентрик фразеологик бирликларнинг таснифи ишлаб чиқилган. Ушбу бобда уй ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар, қушларни билдирувчи зооним компонентли фразеологизмларнинг хусусиятлари кўриб чиқилади.

Мазкур диссертацияда инглиз ва ўзбек тилларидаги зооним-компонентли фразеологик бирликлар қуйидаги чизмада таснифланган:



2-расм. Зооним компонентли инглиз ва ўзбек фразеологизмларининг таснифи

Энг катта гуруҳ уй ҳайвонлари номи билан ифодаланган фразеологизмлардир, чунки уларнинг одатлари ва хатти-ҳаракатларини

кузатиш учун имконият кўпроқ бўлган. Натижада, муайян сифат тегишли камчилик ёки фазилатга эга бўлган одамларга берилган. Иккала тилда ҳам ижобий баҳоли фразеологизмларга қараганда салбий хусусиятларни тасвирловчи зооним компонентли фразеологик бирликлар кенг тарқалган.

Инглиз ва ўзбек тилларининг фразеологик иборалари орасида энг кўпи “ит” зооним компонентли фразеологик бирликлардир. Фразеологик ибораларда ит турли образларда намоён бўлади. Иккала лингвомаданият фразеологизмларида итнинг ижобий белгилари унинг содиклигидир: *Feed a dog for three days he will remember your kindness for three years* (сўзма-сўз:итга уч кун овқат берсангиз, у сизнинг меҳрибонлигингизни уч йил эслаб қолади) = *ит эгасига ҳурмас*. Фразеологик бирликларда тасвирланадиган итнинг яна бир ижобий белгиси жасоратдир: *Fight dog, fight bear* (тўлиқ ғалабага қадар охиригача курашмоқ); *итни овга борганда сина, йигитни – ёвга борганда*. Қари ит иккала тилда ҳам донолик ва катта ҳаётий тажрибани англатади: *An old dog barks not in vain* (сўзма-сўз: қари ит бекорга ҳурмайди) = *Қари ит кўп йўл билар*. Қуруқ гап, кўрқоқлик каби салбий сифатлар “ит” компонентли фразеологик бирликларда ифодаланган. Қуруқ гап: *Dogs barks, but caravan goes on* = *Ит ҳурар, карвон ўтар*. Кўрқоқлик: *Yellow dog* (кўрқоқ, разил одам); *Кўрққан ит уч кун ҳурар*.

Ўрганилаётган тилларнинг фразеологик бирликларида от такаббурликни тасвирлайди: *Be on one's high horse* (паст назар билан, нафрат билан қарамоқ); *Отдан тушса ҳам, узангидан тушмайди* ва *отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди*.

хавотирлик: *Cats scratch at somebody's soul* = *Ичини мушук таталаяпти* – юраги ғаш, жони ҳалак, ичини ит тирнаяпти.

Сузонғич сигир ҳақидаги фразеологизмлар салбий маънога эга. Масалан, ёмон ниятларини амалга оширишга сира эриша олмаган одам ҳақида шундай дейишади: *Curst cows have curt horns* (Сузонғич сигирга Худо шох бермайди) = *Сузонғич сигир шохидан айирилади*. Боз устига, “шох” сўзи қайд қилинган “буқа” компонентли фразеологик бирликлар ҳам салбий коннотацияга эга: *An ox is taken by the horns and a man by the tongue* = *Буқа шохидан, одам тилидан илинар*, яъни тил яхшиликка олиб келмайди.

Иродасизлик, бўйсиниш, тобелик ўрганилаётган тилларда “қўй” компонентли фразеологик бирликларда намоён бўлади: *If one sheep leap over the dyke all the rest will follow* (Агар битта қўй тўғридан-тўғри сакраб ўтиб кетса, қолганлари ҳам эргашади) = *Подани қўчқор етаклар*.

“Эшак” зоонимли фразеологик бирликлар иккала тил маданиятларида ҳам кенг қўлланилади. Тадқиқот жараёнида ўзбек тилидаги “эшак” таркибли фразеологизмлар инглиз тилига қараганда анча кўп эканлиги аниқланди. Бу ҳолат ўзбек халқининг турмуш тарзи, ҳаёти ва маданиятининг ўзига хослиги билан изоҳланади: ўзбек халқи учун ўтмишда эшак арзон ва кенг тарқалган транспорт воситаси бўлган. Инглиз ва ўзбек тилларидаги “эшак” лексемали фразеологик бирликлар асосан салбий маънони ифодалайди. Ҳар икки тилда

ҳам бу фразеологик бирликлар одамнинг аҳмоқлигини, нодонлигини, кўрқоқлигини кўзда тутади: *An ass in a lion's skin* (сўзма-сўз: Арслон терисидаги эшак) = *Эшакнинг кўрқоқи сувдан ўтмас*. Ушбу фразеологик бирликлар кўрқоқ одамни билдиради. *Эшак қирққа кирганда ҳам қилиқ чиқарар* - йиллар давомида ўзгармас инсон нодонлиги ва аҳмоқлиги ҳақида; *Honey is not for the ass's mouth*- (сўзма-сўз: асал эшак учун эмас) нодон, ўқимаган ва қўпол одамларни кўзда тутади.

Бирок, эшакнинг оғир ишни бажариш қобилияти образли ибораларда қайд қилинган: *to do the donkey work*(сўзма-сўз: эшак ишини қилмоқ, яъни энг қийин ёки зерикарли ишни бажармоқ); *Эшакнинг меҳнати ҳалол, гўшти – ҳаром*.

Кейинги ўрганилган гуруҳ фразеологизмлари таркибида ёввойи ҳайвонларнинг номлари иштирок этган фразеологизмлар бўлиб, уларни шартли равишда этхўр ёки йиртқич ва ўтхўр ҳайвонларга ажратиш мумкин.

Инглиз ва ўзбек лингвомаданиятларида “бўри” зоонимли фразеологизмлар кенг тарқалган. Бу ҳайвон умумий хусусиятларда ўрганилаётган тилларнинг фразеологик бирликларида салбий маънога эга. “Бўри” таркибли фразеологик бирикмалар қардош бўлмаган иккала тилда ҳам очкўзлик ва ишончсизликни англатади. Ишончсизликни тасвирловчи фразеологизмлар: *Never trust a wolf with the care of lambs*(сўзма-сўз: ҳеч қачон кўзиларга қарашни бўрига ишонма; *Бўрига раҳм қилсанг, қўйнинг шўри қурийд*). Очкўз одамлар ҳақидаги фразеологизмлар: *Set the wolf to keep the sheep* (сўзма-сўз: кўйларни кўриқлаш учун бўрини кўймоқ, яъни айниқса зарарли ва худбин мақсадларда ҳаракат қиладиган жойга киришга кимгадир ижозат бермоқ); *Кўнгил ўйга тўлмас, бўри – қўйга*. Шунга қарамай, ижобий ва нейтрал баҳога эга бўлган “бўри” компонентли фразеологик бирликлар қайд этилган: *A thief knows thief as a wolf knows wolf* (Бўри бўрини билгандай, ўғри ўғрини билади) = *Бўри бўрини сақлар*. Мазкур фразеологик бирликлар дўстлик, бирлик ва аҳилликни намоён этади.

“Шер” таркибли фразеологик бирликлар икки қардош бўлмаган тилларда жасурлик, жасорат, ботирлик, мардлик каби олижаноб фазилатларни ифодалайди: *Fight like a lion* (Шердай урушмоқ) = *Эрнинг юраги – шернинг юраги*.

“Тулки” зооними иккала лингвомаданият фразеологик бирликларида ҳам айёрлик ва эпчилликни намоён этади: *Play the fox* (айёрлик қилмоқ) = *Тулкининг ҳийласи кўп, яхшииси – қочмоқ*.

Кўрқув ҳисси таҳлил қилинаётган тилларда “куён” компонентли фразеологик бирликларда қайд этилган: *Timid as a hare*(куёндек кўрқоқ) = *Куён ўз кўланкасидан ҳам кўрқар*.

Кўриб чиқиладиган генетик жиҳатдан қардош бўлмаган тилларнинг образли ибораларида “фил” ҳайвони куч ва қудратни ифодалайди: *Only an elephant can bear an elephant's load* (Филнинг юкини фақат фил кўтара олади); *Душманинг ўзи қилдек, кучи филдек*.

Энг кенг тарқалган уй паррандаси товук бўлиб, у ҳар икки тилининг фразеологик бирликларида норозиликни тасвирлайди: *Hen of our neighbor appears to us a goose* = Қўшинининг товуги гоз кўринар, келинчаги – қиз; Қўшинининг товуги кўркли кўринар, яъни одамлар ўзларининг бор нарсасидан мамнун эмас. “Хўроз” зоонимли фразеологизмлар уришқоқлик ва иккиюзламачиликни таърифлайди: *Let the cock crow or not, the day will come* (Хўроз кичкирадими, йўқми, барибир кун келади) = Хўроз қичқирмаса ҳам тонг отаверади– ўзининг иштирокисиз ишларни амалга ошириш мумкин эмас деб ўйлайдиган одам ҳақида, шунингдек, носамимийлик ва ёмон ниятларнинг мавжудлиги ҳақида. *Jump at something like a cock at a grosser* (сўзма-сўз: хўроз каби бирор нарсага сакрамоқ); *Урушқоқ хўроз семирмас*.

“Ғоз” зоонимли фразеологик иборалар мақтанчоқлик ва бўрттириб юборишни намоён қилади: *All one's geese are swans* (сўзма-сўз: унинг барча ғозлари оққушлардир, яъни зийнатламоқ, бўрттирмоқ; *Мақтанма гоз, ҳунаринг оз; чиранма гоз, ҳунаринг оз; керилма гоз, ҳунаринг оз*.

“Қарға” компонентли фразеологик бирликлар таҳлил қилинаётган тилларда оналик ва яқдилликни кўрсатади: *The black crow thinks her own birds white* (сўзма-сўз: қора қарға жўжаларини оқ деб ўйлайди); *Болалик қарғага дон тегмас. Қарға қарганинг кўзини чўқимас* = *Crows did not pick crows' eyes*.

Инглиз ва ўзбек тилларида “чумчуқ” зооним компонентли фразеологик иборалар қатъият ва жасоратни тасвирлайди: *Who intends to catch a sparrow must not scare it* (чумчуқни тутмоқчи бўлган одам уни кўрқитмаслиги керак) = *Чумчуқдан кўрққан тариқ экмас*– агар сиз қийинчиликлардан кўрқсангиз, унда сиз ишни бошламаслигингиз керак, яъни муваффақиятга эришиш учун қатъият ва жасорат керак.

Фразеологизмларда *булбул* тутқинликдаги ҳаётни тасвирлайди: *Nightingales will not sing in a cage* (сўзма-сўз: Булбуллар қафасда сайрамайди) = *Булбулга тилла қафасда тутқин бўлганидан кўра, тикандан қурилган уяси минг марта афзал*.

Фразеологик бирликларда *бургут* жамиятдаги обрўли кишиларни билдиради: *Eagles do not catch flies* (сўзма-сўз: бургутлар чивин тутмайди) = *Бургут чивин тутмас*. Бошқача қилиб айтганда, буюк ёки эътиборли одамлар арзимас нарсаларга ва эътибори йўқ одамларга аралашмайди.

Лочин образли иборалар жасоратни намоён этади: *A carrion kite will never be a good hawk* (сўзма-сўз: калхат ҳеч қачон яхши лочин бўла олмайди); *Юз қарғага – бир шунқор*. Бундан ташқари, “лочин” компонентли иборалар фойда, даромадни ҳам тасвирлаб беради: *Empty hand is no lure for a hawk* (сўзма-сўз: қуруқ қўл лочинни ўзига тортмайди), яъни эҳсон қилмасдан, сахийлик қилмасдан ҳеч нарсага эриша олмаслик– порахўрлик ҳақида; *Фойдасиз тулпордан той яхши, фойдасиз шунқордан – турумтой*.

Зооним компонентли фразеологик бирликларни фразеологик луғатлар маълумотларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш жараёнида, образли

иборалар таъсирчан даражада антропоцентрик эканлиги ва инсоннинг ташқи кўринишини, физиологик ҳолатини, характерини, интеллектини, ҳис-туйғуларини, фаолияти ва ижтимоий муҳитини тасвирлаши аниқланди. Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам зооним компоненти инсоннинг, асосан, салбий сифатларини тавсифлаш учун ишлатилади. Ижобий белги одатдагидек қабул қилинади ва шунинг учун эътиборга олинмаслиги билан олдиндан белгиланади, умумэътироф этилган чегарадан чиқиб кетадиган салбий, маъқулламовчи белги эса кишида маълум бир эмоционал реакцияни келтириб чиқаради ва лисоний бирликларда ўз аксини топади.

Диссертациянинг “**Одамни тасвирлашда зооним компонентли фразеологизмлар қўлланишининг лингвопрагматик хусусиятлари**” (4 бўлимдан иборат) деб номланган учинчи бобда ҳашоратлар ва бошқа ҳайвонларни билдирувчи зооним компонентли фразеологик бирликлар тадқиқ этилади, инглиз ва ўзбек дискурсида зооним компонентли ибораларнинг қўлланиши ўрганилади, бадий адабиёт матнларида зооним компонентли инглиз ва ўзбек фразеологик бирликларининг қўлланиши очиб берилади. Бу бобда зооним компонентли фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва прагматик хусусиятлари қиёсланиб, уларнинг қиёсланаётган тиллардаги ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланади.

Ҳар икки тилнинг фразеологик бирликларида “асалари” лексемаси меҳнатсеварликни намоён этади: *be as busy as a bee* (жуда банд бўлмоқ); *ари захрини чекмаган бол қадрини билмас*.

Эҳтиётсизликни “пашша” ҳашорат номи бор бўлган фразеологик бирликлар ифодалайди: *rise to the fly* (қармоққа тушмоқ) = *пашшанинг маҳмадонаси ахлатга кўнар*.

Ҳашоратни билдирувчи компонентга эга бир қатор фразеологик бирликлар ҳар хил тизимли иккита тилда ҳам қарама-қарши маънога эга.

Бахт, бахтсизлик ва омадсизлик “пашша” компонентли фразеологик бирликлар орқали намоён бўлади: *Happy as a fly in pie* (Пирогдаги пашша каби бахтли); *Ё подшо бузар, ё – пашша* – омадсизлик ва бахтсизликни ифодалайди.

Донолик ва зеҳни пастлик “бит” зоонимли идиоматик ибораларда намоён бўлади: *Beard creates lice, not brains* (сўзма-сўз: соқол ақлни эмас, битларни келтириб чиқаради – донолик ҳақида); *Билмаганга бит ўлдирши қийин* – зеҳни пастлик ҳақида.

Бошқа ҳайвонларга кемирувчилар, судралиб юрувчилар, амфибиялар, қисқичбақасимонлар киради, улар бошқа ҳайвонлар каби инсоният билан яқин алоқада бўлиб, ҳозирги кунгача одамларга ўз таъсирини ўтказмоқда.

Қардош бўлмаган иккита тилнинг фразеологизмларида сичқон эҳтиёткорлик ва узоқни кўришлик каби ижобий фазилатларни тавсифлайди: *Smart mouse has more than one hole* (Ақлли сичқоннинг бир нечта инлари бор); *Сичқон тутушига қапқон зарур, душманни отишига – соққон*. Айни пайтда, “сичқон” таркибли бир қатор фразеологизмлар салбий маънога эга

бўлиб, зехни пастликни ва бемулоҳазаликни англатади: *It is a bold mouse that nestles in the cat's ear* (Мушукнинг қулоғига жойлашиб олган сичқон жасур сичқондир = *Сичқон ўлгиси келса, мушук билан ўйнашар*).

“Илон” таркибли фразеологик бирликларда кўрқув яширин тарзда ифодаланади: *A cat once bitten by a snake dreads even a rope* (Бир марта илон чаққан мушук арқондан ҳам кўрқади) = *Илон чаққан ола арқондан кўрқар* – оғриқ ёки кўрқувни бошдан кечиришда кимнидир кўрқувга солган ўтмишдаги ноҳуш тажриба ҳақида. Баттол маккор одамнинг ёвузлигини судралувчи илон тасвирлайди: *A snake in the grass* (сўзма-сўз: майсадаги илон –макрни ва яширин душманни назарда тутайди); *Ёмон илон тегирмон бошига айланар*.

“Чувалчанг” компонентли фразеологик бирликлар сабрли одамни тавсифлайди: *Tread on a worm and it will turn* = *Боссанг, чувалчанг ҳам қимирлар - барча сабр-тоқат тугайди*.

А.А.Кибрик ва П.Б.Паршиннинг таърифига кўра, дискурс интерфаол жараёнга киритилган нутқдир ва шунинг учун ушбу тур шахснинг нутқ фаолиятига қараганда янада аниқ ифодаланган ижтимоий мазмун билан аниқланади. Таркибида ҳайвон номлари бўлган фразеологик иборалар икки қардош бўлмаган тилларнинг дискурсида бир хил коннотацияга эга бўлиши мумкин.

Ўхшаш мазмунга эга фразеологик бирликлардаги зооним компонентлар иккала тилда ҳам мос келадиган ягона ҳолатлар бор. Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам “сувдан ташқаридаги балиқ” тушунчаси ғайриоддий ёки нотаниш муҳит ёки атрофдаги одамлардан кучли фарқи ҳамда ёмон кайфияти туфайли ўзини хижолатли, ноқулай ҳис қиладиган одамни тасвирлайди: *A fish out of water* = *Балиқнинг тириклиги сув билан, одамнинг тириклиги одам билан*.

Ўхшаш коннотацияга эга бўлган инглиз ва ўзбек тилларидаги бир қатор образли иборалар турли зооним компонентларни ўз ичига олади: *keep a dog and bark oneself* (итни ушлаб, ўзи ҳурмоқ) = *эшак мингanning оёғи тинмас*. Ушбу фразеологик бирликлар бу иш учун ҳақ тўлаш билан бирга, бошқа одамларнинг вазифаларини бажарадиган одамларни номлайди. Инглиз тилида «*dog*» зооними, ўзбек тилида эса «эшак» ҳайвони ишлатилади.


Бир тилда зооним компонентли кўпгина фразеологик бирликлар бошқа ўрганилаётган тилда ушбу компонентни ўз ичига олмайди: *First catch your hare and then cook* (сўзма-сўз: олдин қуённи ушлаб олинг, кейин қайнатиб пиширинг; ўлдирилмаган айиқ терисини бўлишмоқ = *Боришда мақтанма, келишда мақтан*). Ушбу фразеологик бирликлар барвақт хулоса қиладиган кишиларни тавсифлайди. Кўриниб турганидек, инглиз мақолида “қуён” зооними мавжуд бўлса, худди шу маъноли ўзбек мақолида ҳайвон номи умуман йўқ.

Статистик таҳлил ёрдамида инглиз ва ўзбек тилларида зооним-компонентли фразеологик birlikларнинг сони ва миқдори аниқланган ва кўйидаги жадвалда кўрсатилган:

1-жадвал.

Номланувчи зооним	Инглиз тилида ФБ сони	Фоиизи	Ўзбек тилида ФБ сони	Фоиизи
Уй ҳайвонлари	148	32,3 %	92	34,3 %
Ёввойи ҳайвонлари	121	26,4 %	67	25 %
Қушлар	74	16,3 %	39	14,5 %
Хашаротлар	56	12,2 %	43	16,1 %
Бошқа ҳайвонлар	59	12,8 %	27	10,1 %
Жами	458	100 %	268	100 %

Статистик таҳлил асосида инглиз тилида 458 зооним-компонентли мақоллар аниқланган, ўзбек тилида бундай мақолларнинг сони 268 ни ташкил қилади:



3-расм. Зооним компонентли мақоллар

Бадий адабиёт фразеологик birlikлардан фойдаланишнинг энг бой манбаларидан биридир. Бадий матннинг тили ифодалилиги, образлилиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Ҳар қандай бадий асар муаллифи матн таркибида фразеологик birlikлардан фойдаланади.

Бадий матнларда зооним компонентли фразеологизмлар шахснинг ташқи қиёфасини тасвирлайди.

She could not look at him, but she felt herself as red as a turkey cock. «Have a banana?» he said [W.S. Maugham, The complete short stories, Vol.1, p. 406].

Ушбу ҳолатда *as red as a turkey cock* («куркадай қизил») фразеологизми ғазаб, ҳаяжон ва хижолатдан қизариб кетган одамнинг, яъни аёлнинг ташқи кўринишини тасвирлайди. Одатда эса бу ибора эракни тасвирлаш учун ишлатилади, лекин муаллиф образлиликни кучайтириш учун ундан

фойдаланади. Таҳлил қилинаётган парчада фразеологик бирлик шахснинг салбий деб қараладиган ҳолатини тасвирлаш вазифасини бажаради.

He gave her a little rueful smile, and there was in his eyes the look of a whipped dog [W.S. Maugham, The complete short stories, Vol.1 p. 477].

A whipped dog (калтакланган ит) фразеологизми ташқи кўринишни, яъни маънос, бахтсиз ёки хижолатли юз ифодасини тавсифлайди. Бу турғун бирикма меҳрибон аёл олдида ўзини жуда айбдор ҳис қилган эркакни тасвирлашда салбий маънога эга.

«... Ўзи қандай йиғит деб сўра: сурма қўйгандек оҳу кўзи бор, қизил олмадек таранг юзи бор, энди чиқиб келган кўк майса мўйлаби, Розия хонимникидан ҳам нафисроқ қалам қоши...» [Абдулла Қодирий, «Меҳробдан чаён», 74б.].

Ушбу парчада ўзбек тилидаги *оҳу кўзи* фразеологизми ўзбек маданиятида гўзаллик мезони сифатида қабул қилинган кўз гўзаллигини, йирик қора кўзли одамни тасвирлайди. Бошқача айтганда, таҳлил қилинаётган фразеологик бирлик шахснинг ташқи қиёфасини тавсифлайди ва ижобий коннотацияга эга.

